

ISSN: 2181-4031

DOI Journal 10.56017/2181-4031

2023

ISSUE 10  
OCTOBER

JOURNAL OF

FUNDAMENTAL

STUDIES

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ  
ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

JOFS



IMFAKTOR

ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 10-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-10

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-10

ТОШКЕНТ – 2023

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 10 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-10>

## Бош муҳаррир:

Тураев Б.

– фалсафа фанлари доктори, профессор

## Масъул муҳаррир:

Расулова Д.

– иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

## Таҳририят аъзолари:

Кенжабаев А.

– иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Каримов Б.

– тарих фанлари номзоди, доцент

Мадумаров Т.

– юридик фанлар доктори, профессор

Баҳодиров Р.

– фалсафа фанлари доктори, профессор

Ходжаметова Гулчира Илишевна

– тарих фанлари номзоди, профессор

Ҳайдаров Ўрал Ахмадович

– иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD), доцент

Мусаев Джамалиддин Камалович

– юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент

Жамолдинов Хумоюн Бахтиёрбек ўғли

– юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент в.б

Узакова Зарина Фуркатовна

– социология ф.б.ф.д (PhD), доцент

Мамадияров Дилшод Уралович

– иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Тўраев Шавкат Нишонович

– фалсафа фанлари номзоди, доцент

Бердиева Гулмира Аминовна

– тарих фанлари номзоди

Содиржонов Мухриддин Махамадаминович

– социология ф.б.ф.д (PhD)

Гаипов Жасур Бахром ўғли

– иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD)

Сохибова Лола Жонибоевна

– фалсафа ф.б.ф.д (PhD)

Шарипов Дилшод Бахшиллов

– сиёсатшунос, эксперт

“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал 6 та халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдурахмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: [www.imfaktor.uz/com](http://www.imfaktor.uz/com)

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

© “IMFAKTOR Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

**БОБОУМАРОВА Мунира Курбановна**

*Судьялар олий мактаби мустақил изланувчиси*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10051694>

## УМУМИЙ ЎРТА, ЎРТА МАХСУС ВА ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг жорий этилиши ва ҳуқуқий асосларининг ўзига хос хусусиятлари ва корреляциявий таҳлил усулидан фойдаланган ҳолда ўрганиб чиқилиб, тизим салоҳиятини оширишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** прокурор назорати, прокуратура органлари, вояга етмаганлар, махсус ҳуқуқий мақоми принципи, превентив чоралар, халқаро стандарт, норматив-ҳуқуқий қоидалар.

## ВВЕДЕНИЕ И ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ПРОКУРОРСКОГО КОНТРОЛЯ ЗА ИСПОЛНЕНИЕМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ СРЕДНИХ, СРЕДНЕ-СПЕЦИАЛЬНЫХ И ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье с использованием метода корреляционного анализа и особенностей прокурорского надзора изучено внедрение прокурорского надзора за исполнением законодательства в учреждениях общего среднего, среднего специального и профессионального образования, а также разработаны предложения, направленные на повышение потенциала данной системы.

**Ключевые слова:** прокурорский надзор, прокуратура, несовершеннолетние, принцип особого правового статуса, меры пресечения, международный стандарт, нормативные правовые положения.

## INTRODUCTION AND LEGAL BASIS OF PROSECUTOR'S CONTROL OVER LEGISLATIVE IMPLEMENTATION IN GENERAL SECONDARY, SECONDARY SPECIAL AND PROFESSIONAL EDUCATIONAL INSTITUTIONS

### ANNOTATION

In this article, the introduction of prosecutor's control over the implementation of legislation in general secondary, secondary special and professional educational institutions is studied, using the method of correlational analysis and specific features of the prosecutor's control, and proposals aimed at increasing the potential of the system are developed.

**Keywords:** prosecutor's supervision, prosecutor's office, minors, principle of special legal status, preventive measures, international standard, regulatory legal provisions.

Мамлакатимизда умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида қонунийликни таъминлаш, ўқувчилар, талабалар ва ўқитувчиларнинг ҳуқуқлари ва ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини замон талабларидан келиб чиққан ҳолда янгилаб бориш устувор мақсадлардан бири ҳисобланиб, вояга етмаганларнинг ижтимоий ҳимояси ҳамда фаровон келажаги кўп жihatдан ушбу соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш даражаси, шу жумладан мазкур соҳада ваколатли ҳар қандай идоранинг, хусусан прокуратура органларининг фаолияти самарадорлигига бевосита боғлиқдир.

Умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий *асосларини корреляциявий таҳлил* усулидан фойдаланган ҳолда тадқиқ қилиш, ушбу соҳада норматив бўшлиқларни аниқлаб, олдини олишга қаратилган ечимларни шакллантириш, прокурор назоратининг самарадорлигини ошишига, назорат тадбирларини тўғри ва сифатли амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида такидлаш лозимки, мазкур соҳада прокурор назоратини амалга оширишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган бир нечта норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд бўлиб, уларнинг энг асосийси Конституция ҳисобланади.

Конституция юридик аҳамияти жиҳатидан энг муҳим ва бошқа қонун ҳамда қонуности ҳужжатлар учун асос бўлиб хизмат қилади. Дарҳақиқат, “Конституциявий нормалар, унда белгиланган қоидалар, принциплар мамлакат ҳуқуқий базасини ташкил этади” [1].

Жумладан, мамлакатимиз Конституциясида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга буйсунувчи прокурорлар амалга ошириши тўғрисидаги нормаларнинг белгиланиши ҳам умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширишда унинг ҳуқуқий асоси сифатида Конституциянинг ўрни бекиёслигини англатади.

Нимага айнан Конституция? *Сабаб* - давлат ва жамият ривожининг асосий йўналишларини ва уларнинг тузилишини белгилаб берувчи асосий қомус бу Конституция ҳисобланади. Конституция давлат ва жамият ҳаётини тартибга келтирадиган энг олий юридик ҳужжатдир. Унинг нормаларида давлат сиёсатининг принциплари, шакл ва услублари, уни амалга ошириш механизми мустаҳкамланади.

Асосий Қонун ўз моҳияти билан ҳар қандай демократик жамиятнинг бош белгиларидан бири бўлиб, унда инсон, шахс ва жамиятнинг ҳуқуқий жиҳатлари, давлат ҳокимиятининг тузилиши ва унинг идоралари фаолиятини ташкил этишнинг мезоний қоидалари ифода этилади.

Шу сабабли барча қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар конституцияга мувофиқ чиқарилиши лозим бўлади. Бу борада, А.Очиловнинг фикрича, “*Ўзбекистон Конституцияси ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда олий юридик кучга эга ҳужжатдир*” [2].

Ушбу фикрларга қўшилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси прокуратура органлари учун умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда энг муҳим аҳамиятга эга ҳужжат ҳисобланади.

Хусусан, 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш йўли билан янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямизнинг XIV боби “**Оила, болалар ва ёшлар**” [3] деб номланиши, давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаши, уларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олишга, соғлиғини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашишга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратишига оид нормаларнинг бош қомусимизда акс эттирилгани бугунги кунда умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ёшларига бўлган эътиборни кучайганини англатади.

Тадқиқот натижаларидан олинган фикрлардан шундай хулосага келиш мумкинки, умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асосларини **икки йуналишга** ажратган ҳолда таҳлил қилиш мумкин.

*Биринчи йуналиш* сифатида умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ўқувчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни кўрсатиб ўтилади ва бугунги кунда соҳада қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан сифатли назорат прокуратура органлари томонидан ўрнатилганлиги ва натижадорлиги таҳлилий усулда баён этилади.

*Иккинчи йуналишда эса*, умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солиш ҳуқуқий асослар, хусусан Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Бош прокурорнинг соҳавий буйруқ ва кўрсатмалари назарда тутилади.

Умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этишда, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни [4] бевосита *ҳуқуқий асос* бўлиб хизмат қилади.

Мазкур қонуннинг 3-моддасига асосан, прокуратура органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиш тартиби, шунингдек уларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Шунингдек, ушбу қонунда прокуратура органларининг асосий вазифалари, фаолиятининг асосий йуналишлари, қонунчилик ижроси устидан назорат, унинг предмети, қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширишда прокурорнинг ваколатлари белгилаб берилган.

Кайд этиш лозимки, умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим соҳаси кенг камровли бўлиб, унга вояга етмаганлар, умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари фаолиятини тартибга солишга оид қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар прокуратура органларига кўшимча вазифа юклайди.

Дарҳақиқат, нафақат умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари фаолияти, балки, прокурор назоратининг барча йуналишларида қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширишда “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун, унинг асосида қабул қилинган Бош прокурорнинг соҳавий буйруқлари бевосита ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг бошқа ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик, Оила кодекслари, шу жумладан, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”, “Васийлик ва хомийлик тўғрисида”, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”, “Болаларни уларнинг соғлигига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунларида ҳам белгиланган. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар вояга етмаганлар соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишда муҳим ўрин тутди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонунлари вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашда, уларнинг қаровсизлиги ва назоратсизлиги, ҳуқуқбузарлиги ва жиноятчилигига қарши курашишда алоҳида ўрин тутди.

Жумаладан, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 4-ва 5-моддаларида боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, боланинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, боланинг камситилишига йул қуймаслик, боланинг шаъни ва кадр-кимматини ҳимоя қилиш, болалар ҳуқуқлари ва имкониятларининг тенглигини таъминлаш, бола ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш каби бир қатор муҳим вазифалар давлат сиёсатининг асосий йуналишлари сифатида белгиланган бўлиб, ундан ташқари бола ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ваколатлари келтирилган. Н.Дўсмухамедова таъбири билан айтганда, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун халқаро ҳуқуқ нормалари асосида яратилар экан, БМТ Низоми барча давлатлар учун халқаро Конституция бўлгани каби, ушбу Қонун ҳам болалар учун ўзига хос Конституция вазифасини утайди” [5].

Бизнингча, мазкур Қонун умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ўқувчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан бир қаторда, соҳага доир қонунчиликни янада такомиллаштириш ва мустахкамлашга, уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш борасида давлат идоралари фаолиятининг асосий йуналишларини белгилаб беришда аҳамиятли ҳисобланади. Дарҳақиқат, юқорида таъкидлаб ўтилган қонуннинг умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида қонунларнинг бир хилда бажарилишини таъминлашдаги аҳамияти юқори бўлиб, у орқали мазкур муассаса ўқувчиларининг кўплаб ҳуқуқлари давлат томонидан кафолатланади.

Фикримизча, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим ёшидаги вояга етмаганларга нисбатан татбиқ этилган кафолатлар, уларнинг *махсус ҳуқуқий мақомидан келиб* чиқиб белгиланган. Шу боис, бола ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга ошириш умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим ёшидаги вояга етмаганларнинг *махсус ҳуқуқий мақоми принципи* асосида амалга оширилиши лозим.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонун ҳужжатлари устидан алоҳида ҳуқуқий мақом тамойили асосида назоратни амалга оширишга қаратилган бир қанча халқаро ҳужжатлар (Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияси энг асосийларидан бўлиб, унда болалар алоҳида муайян ҳуқуқларга эга шахслар сифатида тан олинади.

Бундан ташқари, “Болаларни сотиш, фоҳишабозлик ва болалар порнографияси бўйича Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг (ХМТ) 182-сонли конвенцияси, Европа Кенгашининг “Болаларни жинсий эксплуатация ва жинсий зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги конвенцияси, “Бола ҳуқуқлари ва фаровонлиги бўйича Африка Хартияси”, “Осиё минтақасида болаларни ҳимоя қилиш бўйича декларация”) [6] мавжуд бўлиб, уларнинг барчасида вояга етмаганларнинг ўзига хос заиф томонларини ва мослаштирилган ҳимоя ҳамда қўллаб-қувватлаш заруриятни тан оладиган махсус ҳуқуқий мақом тамойилларини алоҳида *халқаро стандарт* сифатида таъкидланади.

Мазкур ҳолатларнинг халқаро стандарт сифатида тан олинishi умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим ёшидаги вояга етмаганларнинг бошқаларга нисбатан кўшимча кафолатларга муҳтож эканлиги билан бевосита боғлиқдир.

Норвегия, Швеция ва Дания каби Скандинавия мамлакатлари болаларнинг фаровон турмуш тарзи ва ҳуқуқларига алоҳида эътибор қаратишлари билан машҳур бўлиб, мазкур мамлакатларда прокурорлар кўпинча умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим ёшидаги вояга етмаганларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ қонун ҳужжатларининг бажарилишини таъминлаш учун кенг ваколатларга эга. Улар вояга етмаганларга нисбатан зўравонлик, қаровсизлик ва бошқа ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ ишларни ҳал қилишда уларнинг алоҳида ҳуқуқий мақомига алоҳида эътибор қаратишини кўришимиз мумкин [7].

Бундан ташқари, А.С.Арутюняннинг таъкидлашича, “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусияти шундаки, Россия Федерациясида вояга етмаганнинг махсус мақоми принципи қўлланилади”.

Юқоридагилардан шундай хулоса қилиш мумкинки, мамалакатимизда бола ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган норматив ҳужжатларда юқоридаги каби принциплар ўз аксини топиши лозим. Бу эса, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш давлат сиёсатининг энг муҳим вазифаларидан бири эканлигини, уларга нисбатан давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилишини, шунингдек мамлакатимизнинг вояга етмаганлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда халқаро майдондаги мавқеини белгилаб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларни, шунингдек жиноятчиликни олдини олишда соҳада фаолият юритувчи махсус ваколатли давлат идораларининг самарали фаолиятсиз вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари тўла даражада таъминланиши имконсиз.

Машҳур ҳуқуқ профессори Мари Саррингтоннинг таъбири билан айтганда, “Прокурорлар жамиятнинг энг заиф қатламлари номидан адолатни ҳимоя қилишлари ва уларнинг овози ҳуқуқий тизимда эшитилишини таъминлашлари керак”[8]. Мазкур фикрга қўшилган ҳолда юртимизда ушбу соҳада ҳам жуда катта ўзгаришлар бугунги кунга қадар амалга оширилиб келинмоқда.

Бу борада, Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни прокуратура органларига умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати фаолиятини амалга оширишда бевосита ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддасига кўра прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бири ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборатдир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш буйича республика идоралараро комиссиясининг мувофиқлаштирувчи органи ҳисобланади.

Бу борада, республикада вояга етмаганлар назоратсизлиги ва қаровсизлигини олдини олиш, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишига йўл қўймаслик ҳамда умумий ва ўрта махсус таълимдан бош тортиб, сурункали дарс қолдирувчи ўқувчиларни аниқлаш, уларни таълимга қайтариш мақсадида тегишли мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда “*Ўсмир*”, “*Давомат*”, “*Ўқувчи*”, “*Ғамхўрлик*”, “*Ойна*” каби профилактик-огоҳлантирув тадбирлар мунтазам ўтказиб борилади. Жумладан, С.М.Астановнинг таъкидлашича, “Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг 20%да жиноят содир этиш вақти вояга етмаганларнинг ўқишда бўлиш пайтига тўғри келса, 80% ҳолларда эса бу кўрсаткич уларнинг дарс машғулотларидан бўш вақтига тўғри келади”.

Бош прокуратура томонидан ишлаб чиқилган таҳлилий маълумот натижалари шуни кўрсатадики, прокуратура органлари томонидан 2023 йил январь-август ойларида вояга етмаганлар ҳақидаги қонунларнинг мазмун-моҳиятини бевосита ижрочилар ва кенг жамоатчиликка, айниқса ёшларга етказиш, улар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш мақсадида 6 мингдан зиёд тарғибот тадбирлари, шунингдек 2 мингдан ортиқ оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар килинган.

Прокуратура органлари томонидан амалга оширилган бу каби тадбирлар вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг вужудга келишини олдини олади деб бемалол айта оламиз.

Шу ўринда, С.Хўжакуловнинг “Хукукбузарликлар ўз-ўзидан содир этилмайди, асосий масала хукукбузарликларнинг оқибатлари билан курашиш эмас, балки барвақт олдини олиш, содир этишга имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни ўз вақтида бартараф этишдан иборатдир”, деб фикр билдирганлиги фикримизга асос бўла олиши мумкин.

Яъни превентив чораларнинг энг асосини тарғибот тадбирлари ташкил этишини Голланд файласуфи Десидериус Эрасмус [9] ҳам таъкидлаб ўтган эди.

Шунингдек, юқорида кўрсатиб ўтилган норматив-хукукий ҳужжатларда прокуратура органларининг умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари соҳасида қонунларга ривож этилишини назорат қилиш масалалари бевосита кўрсатиб ўтилганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни, 9-моддасида прокуратура органлари ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи органлар ва муассасалар қаторида кўрсатиб ўтилган.

Бундан ташқари, прокуратура органлари ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади, ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этади, ёшлар ўртасида хукукбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан хукукбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва бунга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади, ёшларнинг хукукий онги ва хукукий маданиятини юксалтиришга доир фаолиятни амалга оширади.

Шунингдек, вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг хукукий асослари орасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари каби қонуности ҳужжатлар ҳам муҳим ўрин тутаяди. Б.Сайфуллаевнинг таъбири билан айтганда, “Мамлакатимизда болалар ва ёшлар фаолиятига доир жами 40 дан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатлари асосида болалар ва ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлокий жихатдан камол топишига кўмаклаштиришнинг хукукий механизми яратилган”.

Жамият эҳтиёжлари ривожланиб бориши билан, мамлакатимиз қонунчилик тизими такомиллашиб бормоқда. Хусусан, вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг янги институтлари жорий қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги “Бола ҳуқуқларининг қафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6275-сонли Фармони вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ҳамда қафолатларини, улар ўртасида назоратсизлик ва хукукбузарликлар содир этилишини олдини олишнинг хукукий асосларини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур Фармонга асосан, Олий Мажлиснинг Бола ҳуқуқлари буйича вакили институтини таъсис этилди ҳамда вояга етмаганлар ишлари буйича республика идоралараро комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) идоралараро комиссиялари тегишлича Болалар масалалари буйича миллий комиссия, Болалар масалалари буйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) комиссиялари этиб қайта ташкил этилди. Хусусан, Болалар масалалари буйича миллий ҳамда ҳудудий комиссиялар такрибига Бош прокурор ўринбосари ва тегишли ҳудуд прокурорлари киритилди. Ушбу ислохотлар вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг муҳим соҳаларидан бири эканлигини кўрсатади ҳамда алоҳида хукукий тартибга солиш ва назоратни амалга ошириш лозимлиги ҳақидаги фикрларимизни тасдиқлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг, мазкур соҳада прокурор назоратини ташкил этишнинг янги ташкилий-хукукий механизминини яратиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, айрим хукуқшунос олимлар “Вояга етмаганлар соҳасида назорат предметининг қонунчиликда белгиланмаслиги прокуратура фаолиятини ташкил этишда бир хилликнинг етишмаслигига олиб келади”, деб фикр билдирди.

А.С.Арутюнян ҳам мазкур фикрларга кўшилган ҳолда “Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назорат қилишнинг мустақил йуналиши йуклиги вояга етмаганлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини самарали назорат қилишни таъминлашга тўсқинлик қилади” - деб таъкидлайди [10].

Бу масалада ушбу муаллифларнинг фикрларига тўлиқ кушиламиз.

Фикримизча, Ўзбекистан Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 4-моддасига прокуратура органлари фаолиятининг асосий йуналиши сифатида вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини киритиш лозим. Шу билан бир қаторда, вояга етмаганлар соҳасидаги қонунчилик устидан прокурор назоратининг энг асосий ажралмас қисми сифатида умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини алоҳида қисм сифатида киритиш мақсаддан ҳоли бўлмайди. Сабаби, бугунги кунда ёш авлодга берилаётган эътибор ва таълим сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг сифат жиҳатдан такомиллаштиришни хоҳласак, назорат тадбирларини амалга оширишни ҳам бир хилда ташкил этишимиз лозим.

Мазкур ўзгартиришнинг киритилиши умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати самарадорлигини янада ошишига, мазкур соҳада қонун устуворлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади, бундан ташқари вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш прокуратура органларининг муҳим ва энг асосий вазифаларидан бири эканлигини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 139-сонли буйруғида вояга етмаганлар соҳасида прокурор назоратини самарадорлигини оширишга қаратилган катор талаблар белгилаб берилган. Хусусан, қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлаш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда профилактика қилиш, бунга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш, вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назоратнинг шакл ва услубларини такомиллаштириш прокуратура органларининг асосий вазифалари этиб белгиланган.

Шунингдек, мазкур назоратни амалга оширишда вояга етмаганларнинг соғлигини сақлаш, ижтимоий муҳофазаси, *таълими*, маънавий ва жисмоний ривожланиши, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳимоя қилиш соҳасида, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказишда қонунийликни таъминлаш соҳаларида назоратни амалга ошириш вазифалари белгиланган. Мазкур вазифалар, прокуратура ходимларига ушбу соҳада назоратни амалга оширишда масъулиятли ёндашишни талаб этади. Бу борада, А.Давлетовнинг фикрича, “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат вазифаларининг бажарилишидаги прокурор ваколатлари жуда кенг бўлиб, улар назорат соҳаларининг у ёки бу йуналиши билан боғлиқ.

Юқоридаги фикрга кўшилган ҳолда соҳада таълим сифатини такомиллаштириш билан боғлиқ назорат тадбирларини аниқ ажратиш олиш ва унга алоҳида ёндашиш муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқий асослар жамият ҳаётининг турли жабҳаларини, жумладан, таълим соҳасини бошқариш асосларини ўрнатувчи асосий устунлар бўлиб хизмат қилади. Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятида мазкур ҳуқуқий асослар прокурорлар томонидан қонун ҳужжатлари ижроси устидан назоратни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан:

*Биринчидан*, ҳуқуқий асослар таълим муассасалари устидан прокурор назоратини тўғри ташкил этишда пойдевор бўлиб хизмат қилади. Улар таълим муассасалари амал қилиши керак бўлган қонунлар ва қоидаларни белгилайди. Прокурорлар ушбу ҳуқуқий асосларни аниқ тушунган ҳолда таълим муассасаларининг ўз фаолиятида белгиланган йўриқномаларга амал қилишини таъминлаши мумкин. Бу мазкур институтлар фаолиятида адолат, шаффофлик ва жавобгарликни таъминлайди.

*Иккинчидан*, таълим муассасалари турли қонунчилик талабларига, жумладан, талабалар хавфсизлиги, ўқув дастурлари стандартлари ва молиявий жавобгарликка риоя қилишлари керак. Қонуний асослар прокурорларга қонун ҳужжатларига мувофиқликни текшириш учун пухта текширишлар ва баҳолашлар ўтказиш имконини беради.

*Учинчидан*, прокурорлар назоратни ҳуқуқий асослар орқали амалга ошириб, таълим соҳасида қонун устуворлигини таъминлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бу таълим муассасаларининг қонунийлик доирасида фаолият юритишини ва номақбул таъсир ёки коррупциянинг олдини олишини таъминлайди.

*Тўртинчидан*, ҳуқуқий асослар таълим муассасалари фаолиятини доимий такомиллаштириш учун замин яратади. Қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни мунтазам кўриб чиқиш ва янгилаш орқали қонунчилик базаси таълим соҳасининг ўзгарувчан эҳтиёжларига мослашиши мумкин.

**ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES**

1. Комилов А. Прокурор назорати амалиётида протест келтириш билан боғлиқ айрим масалалар // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Ахборотномаси, 2021, №2 (46) – Б. 54.

2. Очилов А. Келажак бугундан бошланади // “Бола ҳуқуқларини таъминловчи бошқарув органларининг ҳуқуқий моҳияти ва уни такомиллаштириш истиқболлари” мавзусидаги республика халқаро илмий-амали й конференция материаллари тўплами. - Т.: “RELY PRINT” нашриёти, 2012. – Б. 74.

3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03/23/829/0208-сон. (мурожаат вақти: 12.05.2023 й.).

4. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 03/23/829/0208-сон. (мурожаат вақти: 12.05.2023 й.).

5. Дўсмухамедова Н. Ўзбекистон миллий қонунчилигида боланинг ҳуқуқий мақоми // Вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими: муаммолар ва ечимлар мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. - Т.: KONSAUDITINFORM-NASHR нашриёти, 2008. – Б. 278.

6. [Электрон манба]: <https://www.savethechildren.org.uk/content/dam/gb/reports/humanitarian/uncrc19-summary2.pdf>. (мурожаат вақти: 15.05.2023 й.).

7. [Электрон манба]: <https://www.ohchr.org/sites/default/files/crc-sale.pdf>. (мурожаат вақти: 15.05.2023 й.).

8. [Электрон манба]: <https://www.ilo.org/dyn/> (мурожаат вақти: 15.05.2023 й.).

9. [Электрон манба]: <https://rm.coe.int/1680084822>. (мурожаат вақти: 15.05.2023 й.).

10. [Электрон манба]: <https://bit.ly/3QgJrRp>. (мурожаат вақти: 15.05.2023 й.).

ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 10-СОҢ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-10

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-10

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

Веб-сайт: [www.imfaktor.uz](http://www.imfaktor.uz)